


UZA | O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ**

(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

2022 ЙИЛ МАЙ

ТОШКЕНТ – 2022

ЖАҲОН ТИЛШУНОСЛИГИДА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЎРГАНИЛИШИ

Ситора ТУРАБОЕВА

Ўқитувчи

Тошкент тиббиёт Академияси

Тошкент, Ўзбекистон

torasitora139@gmail.com

Аннотация

Мақолада антропоцентрик ёндашувга асосланган тилшуносликда шахс лисонида тушунча ёки концепт сифатида мавжуд бўлган лингвокультурологик бирликларни қиёсий, систем-структур, тавсифий ва таҳлилий характерда тадқиқ қилиш муаммоси ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, ўзбек тилидаги лингвокультурологик бирликларга оид таснифий гуруҳлар ҳам таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар: лингвокультурология, концепт, антропоцентрик, тил ва маданият, лингвомаънавиятшунослик, этимологик, парадигма, семантика.

КОНЦЕПТУАЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В МИРОВОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ

Ситора ТУРАБОЕВА

преподаватель

Ташкентская медицинская Академия

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматривается проблема о сопоставительном, системно-структурном, описательном и аналитическом характере исследования лингвокультурологических единиц, содержащихся в речи лица в качестве понятия или концепта в языкознании, основанном на антропоцентрическом подходе. Вместе с тем, анализируются также классифицированные группы, касательно лингвокультурологических единиц в узбекском языке.

Ключевые слова: лингвокультурология, концепт, антропоцентрический, язык и культура, лингвокультурология, этимологический, парадигма, семантика.

Бугун бутун дунёда деярли барча соҳаларда таракқиёт суръати бир неча баробар тезлашган ва ҳар сонияда глобал миқёсда манфаатлар тўқнашуви юз бермоқда. Бу эса ўз навбатида фаол халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий тилларни ўрганиш, тил ўқитишда янги маданиятлараро ёндашув ҳисобланаётган грамматикада хато қилсанг қил, лекин ўзаро кесишувчи маданиятга оид консептосферани англашда ва англантишда хатога йўл қўйма деган тамойилларга асосан тил ва маданият кесувчи нуқталарни қиёсий ва тавсифий асосда таҳлил қилиш каби муҳим

вазифаларни ҳал этишни миллатлараро ва маданиятлараро муваффақиятли коммуникациянинг муҳим талаб ва зарур эҳтиёжга айлантирмоқда.

Бу эҳтиёжни талаб даражасида бажариш ҳамда коммуникация воситаси саналадиган тил ва маданиятнинг ўзаро узвларини аниқлаш ва тавсифлаш ва муайян ўринларни тадқиқ қилиш заруратини юзага чиқармоқда. Шу маънода бу масалани батафсилроқ ёритсак, тил – маданият хазинаси, сандиғи, мажмуи эканлиги ойдинлашади. У лексика, грамматика, иборалар, мақол ва маталлар, фольклор, бадий ва илмий адабиёт, оғзаки ва ёзма нутқда маданий қадриятларни сақлаб келади [15]. Шунингдек тил бир вақтнинг ўзида маданият қуроли, воситаси ҳисобланади. Инсон ўзликни тил воситасида танийди, номоён қилади. Шунинг учун “тил бизнинг ҳаёт тарзимизни тавсифловчи ижтимоий мерос қилиб олинган малака ва ғоялар мажмуи” [7] сифатида маданиятдан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Жамиятни тилдан, тилни жамиятдан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Тил жамият вакилларининг онг остида вужудга келадиган ҳаёлий ва ҳаётий ходисаларни, лисоний концепцияларни воқеаликка чиқариш, ифодалаш учун хизмат қилади. И. Гердернинг 1770-йилда ёзилган “Тилнинг келиб чиқиши ҳақида талқин” асарида инсон фаолиятидаги тўрт асосий ҳодиса: тил, маданият, жамият ва миллий руҳни бир-бири билан боғлайди. Тил ўзининг келиб чиқишига кўра маданият билан боғлиқ бўлиб, у жамият билан бирга такомиллашади. Тилнинг маданият билан органик боғлиқлиги уни миллий руҳнинг муҳим таркибий қисмига айлантиради [4]. Тилни маданиятдан ажратиш бўлмайди. Уларнинг ҳар иккиси бир-бирини тўлдирувчи яхлитлик ҳисобланади. Машҳур рус тилшуноси Г.О.Винокур фикрича тилни ўрганаётган ҳар қандай тилшунос, албатта, танлаган тили махсули бўлган ўша маданиятнинг тадқиқотчисига айланади [3]. Шу маънода, тил ва маданият кесишган нуктада юқоридаги тавсифларнинг амалий ифодаси, тилшуносликнинг янги соҳаси, алоҳида фан ҳамда илм йўналиши сифатида лингвокультурология юзага чиқади.

Лингвокультурология тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида XX асрнинг тўксонинчи йилларида вужудга келди. Тадқиқотчиларнинг қайд этишича, “лингвокультурология” (лот. лингва “тил”; султус “ҳурмат қилиш, таъзим қилиш”; юнон. “илм, фан”) термини В.Н.Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби (Ю.С.Степанов, А.Д.Арутюнова, В.В.Воробев, В.Шаклеин, В.А.Маслова) томонидан олиб борилган изланишлар билан боғлиқ равишда пайдо бўлган [10]. Лингвокультурология маданиятшунослик ва тилшунослик кесишган нуктада шакланган тил тадқиқотининг янги соҳаси бўлиб у маданият ва тилнинг ўзаро алоқасини, ўзаро таъсирини, тилда ўз аксини топган халқ маданиятининг кўринишларини тадқиқ этади. Эндиликда лингвомаданиятшунослик бошқа фан соҳалари билан ҳам узвий боғлиқлик касб этади ва янги илмий тадқиқот ва парадигмаларга йўл очади. Лингвокультурологияда бевосита ва билвосита антропоцентрик парадигма етакчилик қилади ва эндиликда тадқиқот марказига инсон, унинг

психологик, когнитив нутқий фаолияти чиқади. Шу боисдан лингвокультурология психология, психолингвистика, прагмалингвистика, этнолингвистика, антропология каби бир қанча илм-фан йўналишлари билан боғлиқликда иш олиб боради.

Тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг моҳияти “тил қандай қурилган” деган масаладан “тил қай тарзда фойдаланилади” деган масалага кўчилиши билан изоҳланади. Ю.Дорофеевнинг фикрича, тил қай тарзда фойдаланилишини тадқиқ қилиш учун унинг эгаси бўлган шахснинг нутқий-когнитив жараёнларини ўрганиш керак бўлади. Табиийки, антропоцентрик ёндашувга асосланган тилшунослик зиммасида шахс лисонида тушунча ёки концепт сифатида мавжуд бўлган лингвокультурологик бирликларни киёсий, систем-структур, тавсифий ва тахлилий характерда тадқиқ қилиш туради. Бу лингвокультурологиянинг предмети ўзаро боғлиқ бўлган тил ва маданият ва унга тегишли билим, тушунча ва концепциялар эканлигини кўрсатади. Шу ўринда айтиш лозимки, лингвокультурология ва лингвомаданиятшунослик терминлари ўзаро алтернативлик характер-хусусиятга эга саналса-да, култур ва маданият концептлари этимологик ва семантик маъно майдонига кўра тафовутланадиган ўринлар учрайди.

Баъзи тавсифларда култур термини маданиятга қараганда кенгрок ифода планида қаралганлиги сабабли ушбу тадқиқотимизда лингвокультурология бирлигидан фойдаланишни маъқул топдик. Ўз навбатида лингвокультурология ҳам лингвомаънавиятшунослик, лингвомамлакатшунослик каби бир қатор йўналишларга ажралади. Лингвокультурология тил ва маданият муносабати муаммоси билан шуғулланади. Маданият эса моддий ва маънавий турларга бўлинади. Лингвомаънавиятшунослик моддий маданият муаммосини четда қолдириб, унинг маънавий деб аталмиш турини ҳам тўлиқ қамраб олмай, ундан ўз хиссасини ажратиб олади. Лингвокультурологиянинг лингвомаънавиятшунослик каби бир таркибий қисми бўлган лингвомамлакатшунослик тиллардаги муқобилсиз лексика ва лақналарни тадқиқ қилади. Б.Менглиевнинг таъкидлашича, лингвокультурология мифлашган тил бирликлари, мифологем ва архетипларни, урф-одат ва ритуалларни, мақол, матал, иборалар “жамғарма”сини, эталон, стереотип ва рамзларни, метафора ва лисоний образларни, тилнинг услубий фондини, нутқий хулқ ва нутқ маданиятини қамраб олади.

Юқорида лингвокультурологияга фан ва илм соҳаси сифатида берилган илмий таъриф ва тавсифларга асосланган ҳолда, ушбу илм соҳасининг тадқиқот объекти ҳисобланган лингвокультурологик бирликлар ва уларга оид лексема, тушунча ва концепцияларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Асосан, лингвокультурологик бирлик сифатида муайян бир халқ маданиятига тегишли бўлган ва тилда вербал ва новербал воситалар орқали воқеаланувчи бирликлар тушунилади ва уларнинг моҳиятини очиб бериш учун киёслаш, тавсифлаш, компонент таҳлил методлари самарали ҳисобланади. Ушбу тоифадаги бирликларнинг характер-хусусиятларини

янада ёркинроқ ифода этиш учун уларни таснифий гуруҳларга ажратган ҳолда кўриб чиқиш ўринли саналади. Аммо ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари ва ифода имкониятларига кўра таснифий гуруҳларда фарқлар учраши кузатилади. Қуйида ўзбек тилидаги лингвокултурологик бирликларга оид таснифий гуруҳларга тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Муқобилсиз лексика ва лақуналар. Ҳар қандай тил лексикаси фондида бошқа тилга бир сўз билан таржима қилиб бўлмайдиган сўзлар мавжуд бўлади. Бундай сўзлар муқобилсиз лексика дейилади. Улар тилшуносликда реалия бирликлари деб ҳам аталади ва ўзида халқ маданиятининг ўзига хос қирраларини акс эттиради. Бундай лексик бирликлар кўпинча муайян рамзлар, ўхшатишлар, стеротиплар билан ассоциацияланади. Ўзбек маданиятига хос реалияларга *палов, дўппи, белбоғ, сумалак, чопон, кўрпача* каби сўзларни мисол қилиш мумкин. Улар эквивалентсиз лексика ҳисобланиб, тил ўқитиш ва таржима жараёнида алоҳида ёндашувни талаб этади. Уларни узатиш учун *чопон* ўрнига *coat* (пальто), *дўппи* ўрнига *cap* (шапка) муқобилларини ишлатиш ўзга тил соҳиби онгида *dissonanse* юзага келишига ёки оддийроқ тил билан айтганда, инглиз кишисига дўппи ва чопон қийгазиб қўйишга ўхшайди. Шунинг учун уларни таржимада транслитерация йўли билан талқин қилиш мақсадга мувофиқ саналади.

Концептлар билан парадигматик муносабатларини, концепт таркибидаги тушунча ва лексемаларнинг лингвистик белгиларини ўзаро алоқадорлик хусусиятига кўра ўрганиш, муайян концептнинг вербализацияланган ва вербализацияланмаган элементларини аниқлаш ва таҳлилий тавсифлаш талаб этилади. Лингвокултурологик бирликни концептуал таҳлил қилишда қиёслаш, таққослаш, компонент таҳлил, структурал таҳлил каби бир қатор метод ва усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади.

Бир тилдаги сўз бошқа тилда муқобилини топа олмаган ўринларда ҳар доим лақуна ҳодисаси воқеяланади. Лақуналар (лот. ласуна – бўшлиқ, чуқурлик, чўнқир жой) – матнда бўш қолган, тушиб қолган жой, “тилнинг семантик харитасидаги оқ доғлар”дир [8]. Лақуналар турли илмий адабиётларда турлича таърифланади. Хусусан: “Ўзга тил ва бошқа маданиятдаги номувофиқ, фарқли унсурларни ифодалашда турли терминлар, жумладан, лақуналар (Ж.П.Вине ва Ж.Дарбелне, В.Л.Муравев), оралик, лақуна (К. Хейл), зид сўзлар, ораликлар, лақуналар ёки тил харитасидаги оқ доғлар (Й.С.Степанов), таржима қилиб бўлмайдиган сўзлар (В.Г.Чернов), муқобилсиз, нол сўз (И.А.Стернин), муқобилсиз ёки фонли лексика (Л.С.Бархударов, Й.М.Верешагин, В.Г.Костомаров), тасодиқий лақуналар, таржимасиз лексика (Л.С.Бархударов)” [11] каби атамалар қўлланилганини кузатиш мумкин.

Мифологиялаштирилган тил бирликлари. Ҳар бир халқ муайян тарих кечмишларига, минг йилликлар давомида шаклланиб ривожланиб келаётган афсона ва мифларига, ривоят, урф-одат, қадрият ҳамда анъаналарига эга. Буларнинг ҳаммаси ўша халқ маданиятининг сарчашмалари ҳисобланади.

катламлари, нуткий муомала ва нутқ этикети билан боғлиқ лексик, фразеологик унсурларни ҳам ўз ичига олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрь РП-5850-сон фармони // (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 22.10.2019-у., 06/19/5850/3939-son.
2. Абдурахмонова Н.З. Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти (Содда гаплар мисолида). Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. афтореф. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти ун-т., 2018. – 52 б.
3. Воробьев В. В. Лингвокультурология: теория и методы. – Москва: Наука, 1997. – 331 с.
4. Гердер И. Г. Идеи и философия истории человечества. – Москва: Просвещение, 1977. – 233 с.
5. Костомаров В. Г. Язык и культура. – Москва: Наука, 1990. – 26 с.
6. Мухаммедова С. Ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъмин яратиш: методик қўлланма. – Тошкент: ТДПУ, 2006. – 268 б.
7. Сепир Э. Язык. Введение в изучение речи // Избранные труды по языкознанию и культурологии, 1993. – №2. – С 185.
8. Степанов Ю.С. Французская стилистика. – Москва: Наука, 1965. – 120 с.
9. Соколов А.В. Автоматизация библиографического поиска. – Москва: Книга, 1981. – 167 с.
10. Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – Москва: Школа “Языки русской культуры”, 1996. – 288 с.
11. Усманова Ш. Маданиятлараро мулоқотда лақналарнинг ўрни: Лингвист. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 152-156.
12. Хамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари: Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...диссер. – Қарши: ҚарДУ, 2018. – 250 б.
13. Speech and Language Processing. Daniel S. Jurafsky and James H. Martin. Contributing writers: Andrew Kehler, Keith Vander Linden, Nigel Ward 2000y. Prentice Hall, Englewood Cliffs, New Jersey 07632. pages: 950.
14. Mohri M.A. Finite-state transducers in language and speech processing. Computational Linguistics. – С. 269-312.
15. Robins R.H. General Linguistics. An Introductory Survey. – London, 1971. – P.27.

Н.А.МУМИНОВА. Лақабларнинг ўрганилиш тарихи ва “Темурнома” асаридаги лақабларнинг лексик-семантик хусусиятлари.....	146
М.М.РАЙХОНОВА. Абдулла Орипов шеъриятида ижтимоий дард тараннуми.....	152
Г.Р.КОМИЛОВА. Ўзбек мақолларидаги аксиологик моделлар тахлили	158
З.СУВОНОВ. Бадий матннинг лингвистик экспертизаси муаммолари ва ечимлари.....	164
К.Х.АВИЛОВА, М.Ш.МАХАМАДЖОНОВА. Замонавий тиббиёт терминологиясида синонимия муаммоси.....	169
З.Ю.ЯЛЛАҚАЕВ, М.Ш.ХЎШБОҚОВА. Нафс – бадий ракурсларда.....	178
С.Ж.САИДМУРАДОВА. Назар Эшонкул хикояларида психологик тасвир имкониятлари.....	188
М.А.ХУСАНОВА. Поэтик асарлар экспрессивлигини таъминлашда визуал-график воситалардан фойдаланиш маҳорати.....	194
С.ТУРАБОЕВА. Жаҳон тилшунослигида лингвокультурологик бирликларнинг концептуал ўрганилиши.....	200
Н.П.ДЎСТМАМАТОВА. Ўзбек тилшунослигида градуонимияга оид тадқиқотлар.....	206
Ҳ.МИРСУЛТАНОВА. Журналистларнинг ахборот манбалари билан ишлашида юзага келувчи низоли ҳолатлар.....	213
Ф.М.ЯҲЁЕВ. XX асрнинг иккинчи ярмида Навоий лирик мероси тадқиқи.....	220
С.АБДУРАХМАНОВА. Алишер Навоийнинг “Хамсаг ул-мутахаййирин” асари поэтикаси.....	227
Ш.ЖУМАНОВА. Усмон Азимнинг пейзаж яратиш маҳорати.....	238
Ш.НИЯЗМЕТОВА. АҚШ кундалик газеталари: «Chicago Tribune» ва «Chicago Sun Times» нашрларининг Чикаго медиа бозоридаги ўрни ва роли.....	244
Т.Б.ШАРИПОВА. Постмодернизм адабиётида интертекстуал ходисанинг ўрганилиши.....	251

Тарих

Ш.Б.ХОЛИҚУЛОВА. Навоий вилояти эркин иқтисодий зонаси ва асос солиниш тарихи.....	256
Ш.З.ШАРИПОВ. Самарқанд вилоятидаги миллий – маданий марказлар фаолияти тарихи.....	262

Фалсафа

Б.Б.ИМИНОВ. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси феноменологик контекстида миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари.....	269
Р.Р.КАРИМОВ, Р.А.ДАВИДОВА. Постмодернизм и философская концепция Ж.Бодрийяра.....	276